



СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ ВА ТАЪРИФЛАШ ТАЖРИБАСИ

Матчанов О.Ж.¹

География фанлари фалсафа доктори (PhD),

Маткаримова Д.С.²

2-босқич магистратура талабаси,

Г. Базарбаева³,

И. Абдишарипов⁴

4-курс талабалари

Урганч давлат университети.

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p3-111>

ARTICLE INFO

Received: 10th February 2023

Accepted: 17th February 2023

Online: 18th February 2023

KEY WORDS

Ҳавза, сув ҳавзаси, дарё ҳавзаси, сув тўплаш ҳавзаси, сув тўплаш майдони, берк ҳавза, лотик, лентик.

ABSTRACT

Географияга оид кўплаб атамалар, қоидалар бошқа тилларидан таржима қилингандаги хатоликлар сабабли илмий тадқиқотларда муаммоли вазиятларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, “сув ҳавзаси” атамаси ҳам рус ва инглиз тилидаги илмий адабиётларда ўзбек тилидаги адабиётлардагидан фарқ қилади ва бу илмий изланишларда айрим мулоҳазали ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Мақолада сув ҳавзаларининг илмий-назарий таснифланиши ва таърифланиши таҳлил қилинади.

Ҳавза, сув ҳавзаси, дарё ҳавзаси, сув тўплаш ҳавзаси, берк ҳавза каби тушунчалар деярли барча географик ва гидрологик адабиётларда ишлатилади. Лекин “ҳавза” атамаси турли илмий адабиётларда турлича ифодаланган. Бундан ташқари деярли барча адабиётларда чалкаш ёки хато таъриф ва тавсиф берилган. Жумладан, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида сув ҳавзаси — ер юзасининг табиий ёки сунъий пастқам ёки чуқур жойларида табиий ёки сунъий равишда сув тўпланишидан ҳосил бўладиган, ё бўлмаса, сув йўлини тўсиб ва тўғон куриб ҳосил қилинадиган секин оқар ёки оқмас сув манбаи [5, 97-б.], деб таърифланган. Энциклопедияда сув ҳавзаси доимий ёки мавсумий (серёғин йилларда пайдо бўладиган) турларга бўлиниши кўрсатилган бўлиб, доимий сув ҳавзасига океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, табиий сув омборлари, жилғалар, ариқлар ва бошқалар киритилган. Орол денгизи, Амударё, Сирдарё, Чирчиқ дарёлари табиий сув ҳавзасига мисол қилиб кўрсатилган.

Бундан кўриниб турибдики, энциклопедияда сув ҳавзасига берилган таърифни унда келтирилган мисоллар инкор қилган. Яъни секин оқар ёки оқмас сув манбаи деб кўрсатилган сув ҳавзаларига дарё ва жилғалар ҳам мисол қилинган.

Гидрологик адабиётларда оқар сувлар яъни дарё ва сойлар – лотик (лотус (грек.) – ювмоқ), турғун сувлар, жумладан, сув ҳавзалари эса – лентик (ленис (грек.) – тинчланиш) деб тавсифланади [2, 26-б.]. Бундан ташқари Ердаги моддалар айланишида иштирок этадиган сув объектлари уч гуруҳга ажратилади: сув оқимлари, сув ҳавзалари ва махсус сув объектлари [3, 12-б.]. Ушбу адабиётларда юқоридаги кўрсатилган сув объектлари қуйидагича таърифланади.



Сув оқимлари - сувнинг ер юзаси қиялик йўналиши бўйлаб (дарёлар, сойлар, каналлар) давомли ҳаракати.

Сув ҳавзалари - сувларнинг билан ер юзининг чуқурликларида жойлашган секин ҳаракатланувчи (океанлар, денгизлар, кўллар, сув омборлари, ботқоқликлар) сув объектлари.

Бундан кўриниб турибдики, дарё, жилға ва ариқлар сув ҳавзаси таркибига кирмайди.

Бундан ташқари, “дарё ҳавзаси” ва “сув ҳавзаси” атамалари ҳам чалкаштирилади. Адабиётларда дарёнинг сув тўплаш майдони дарё ҳавзаси деб юритилади. Бу атама инглиз тилидаги адабиётларда “drainage basin”, “catchment basin”, “catchment area”, “drainage area”, “river basin”, “water basin”, “impluvium”, “watershed”, деб, рус тилидаги адабиётларда водосборный бассейн, водосборная площадь, водосбор, бассейн, деб юритилади. Сув ҳавзаси инглиз тилидаги адабиётларда “water basin” рус тилидаги адабиётларда “водоём” деб юритилган. Шундай экан дарёнинг сув тўплаш майдони - дарё ҳавзасини сув ҳавзаси билан фарқлаш лозим. Бундан ташқари ҳар қандай сув ҳавзасининг ҳам сув тўплаш майдони мавжуд бўлиб, уни сув ҳавзасининг ҳавзаси деб бўлмайди.

Шу каби дарё суви қайси океан ёки денгизларга оқиб чиқишига қараб шу ном билан (м: Орол денгизи ҳавзаси), океан ёки денгизларга оқиб чиқмаса, берк ҳавза деб аталиши ҳам сув ҳавзаси тушунчасини чалкаштиришга олиб келади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида сув ҳавзасига океанлар ҳам мисол қилиб кўрсатилган. Лекин Ер қуррасида мавжуд сув захирасининг бор йўғи 0,016 фоизи қуруқликда жойлашган сув ҳавзаларида [1, 6-б.] тўпланганлигини инобатга олсак, сув ҳавзаси тушунчаси Ер юзасининг 70,8 фоиз қисмини эгаллаган Дунё океани учун торлик қилади. Бундан ташқари Ер юзасининг катта қисми - 70,8 фоизини Дунё океани эгаллайди.

Сув ҳавзаси тушунчаси турли адабиётларда турлича таърифланади (1-жадвал).

1-жадвал

Илмий адабиётларда «Сув ҳавзаси»га берилган таърифлар

Таъриф	Манба
Ер юзасининг пастқам жойларини секин оқар сув объектлари (океан, денгиз, кўл, сув омбори, ҳовуз, ботқоқ)	Михайлов В.Н. и др. Гидрология.– Москва: «Высшая школа», 2007.– С.12 (464 б)
Ер юзасининг табиий ёки сунъий пастқам ёки чуқур жойларида табиий ёки сунъий равишда <u>сув</u> тўпланишидан ҳосил бўладиган, ё бўлмаса, сув йўлини тўсиб ва <u>тўфон</u> қуриб ҳосил қилинадиган секин оқар ёки оқмас сув манбаи	Сув ҳавзаси. Qomus.Info onlayn ensiklopediya. https://qomus.info/encyclopedi ; Сув ҳавзаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 8-жилд, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2004 йил, 97 бет [14]
Ер қуруқлик юзасида ҳар қандай шаклда	Body_of_water. Wikipedia, the free




суннинг тўпланиши	encyclopedia, https://en.wikipedia.org/wiki/
Табиий ёки сунъий чуқурликда суннинг доимий ёки вақтинча тўпланиши	Водоём. Википедия Свободная энциклопедия, https://ru.wikipedia.org/wiki
Табиий ёки сунъий чуқурликда (кўл, сув. омбори, ҳовуз ва бошқ.) турғун ёки оқими сусайган суннинг доимий ёки вақтинча тўпланиши	Чеботарев А.И. Гидрологический словарь. Л.: Гидрометеоиздат, 1978. 308 с.[13]
Табиий ёки сунъий чуқурликда (кўллар, сув омборлари, ҳовуз ва бошқ.) суннинг доимий ёки вақтинча тўпланиши ёки оқими сусайиши	Горкин А.П. География современная иллюстрированная энциклопедия. М.: Росмэн-Пресс, 2006. С.112. (685 б.) [11]

Манъба: [4,12-б.].

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан, уларни умумлаштирилган ва содаллаштирилган тарзда сув ҳавзасини – Ер қуруқлик юзасининг пастқам, чуқур, [тўғон](#)ли жойларида табиий, сунъий ёки аралаш (табиий+сунъий) равишда [сув](#) тўпланиши натижасида ҳосил бўлган, доимий ёки мавсумий оқар ёки оқмас гидрографик объект, деб илмий асослаш мумкин [4,13-б.]. Бунда Дунё океани, дарё, жилға, каналлар сув ҳавзаси таркибига киритилмайди.

Гидрология фанига оид илмий адабиётларда сув ҳавзаси икки гуруҳга – табиий ва сунъий [3, 12-б.] сув ҳавзаларига ажратилган. Адабиётларда [3, 132-б.] назарда тутилмаган учинчи манба аралаш манба бўлиб, бунда сув ҳавзалари ер ости ва усти сувларидан табиий ва сунъий равишда тўйинтирилади. Бунда инсоннинг таъсири бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Бевосита инсон таъсири шундан иборатки, сув танқис, қурғоқчил мавсумда табиий манбадан тўйиниш имкони бўлмаганда, ҳавза инсон томонидан ирригация тизимлари, коллектор-дренаж тармоқлари ва ер ости сувлари ҳисобидан тўйинтирилади. Билвосита инсон таъсирида инсон тўғридан тўғри иштирок этмасдан, хўжалик фаолияти натижасида ҳавзанинг тўйинишига таъсир қилади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш натижасида юза сувлар ер ости сувларига қўшилади ва улар сув ҳавзаларини тўйинишига олиб келади. Юқоридагиларни инобатга олиб, сув ҳавзаларини тўйиниш манбалари бўйича табиий, сунъий, табиий ва сунъий манбалардан биргаликда (аралаш) тўйинадиган сув ҳавзаларига ажратиш керак (1-расм).



1-расм. Сув ҳавзаларининг тўйиниш манбаларига кўра турлари [4,14-б.].

Бунда табiiй сув ҳавзалари кўл ва кўлмакларга, сунъий сув ҳавзалари сув омбори, сунъий ҳовуз ва бассейнга, табiiй ва сунъий манбалардан биргаликда (аралаш) тўйинадиган сув ҳавзаларини кўллар ва ҳовузларга ажратишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, кўллар, сув омборлари, ҳовузлар сув ҳавзалари таркибига киради. Океанлар, денгизлар, дарёлар, жилғалар ва ариқлар сув ҳавзалари ҳисобланмайди.

References:

1. Михайлов В.Н. и др. Гидрология.– Москва: «Высшая школа», 2007.– С.12. (464 с.)
2. Давыдов Л.К. Общая гидрология: учеб. Пособие / Л.К.Давыдов, А.А.Дмитриева, Н.Г.Конкина.– Ленинград: Гидрометеоздат 1973. 6-б. 464 с
3. 2.Зилов Е.А. Общая лимноэкология: учеб. пособие / Е.А.Зилов. – Иркутск: ИГУ, 2013. –124 с.
4. Михайлов В.Н. Гидрология: учеб. пособие / В.Н.Михайлов, А.Д.Добровольский, С.А.Добролюбов. –М: Высшая школа, 2007. – 464 с.
5. Нигматов А.Н, Матчанов О. / Географик ахборотлар тизими асосида балиқчилик хўжалигини юритишнинг геогафик жиҳатлари (Хоразм вилояти мисолида). Монография. / А.Н.Нигматов, О.Ж.Матчанов.– Тошкент–Урганч: Innovatsiya-Ziyo, 2022.– 148 б.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси / 8-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2004.– 703-б.